



2020 у « 5 » ноябрь

№ К-613

« » 20 г

**Бандихон тумани “Бандихон Сариосиё” массиви
худудидан “ASHIN LAVZ CITI” МЧЖга
“Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/716-сон йиғилиш баёни ва Бандихон туман ҳокимининг 2020 йил 11 сентябрдаги 01-05/2959-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/716-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бандихон Сариосиё” массиви худудидан “ASHIN LAVZ CITI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик ҳаритасининг 381қ-дала контуридаги 0,50 гектар яйлов ер майдонида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ASHIN LAVZ CITI” МЧЖ бошлиғи Х.Абдираимовга:
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов